# УЗ-ДЭУ ЭЛЕКТРОНИКС

**"Уз-ДЭУ электроникс" қўшма корхонаси маҳсулотларининг 1994 йил апрель ойидаги савдоси ҳажми 1.286 000 долларни ташкил этди. Худди шу давр мобайнидаги четга маҳсулот чиқариш ҳажми эса 925 000 долларга етди.**

*Жаҳон сифат стандартлари даражасидаги мураккаб маиший техникани ялпи ишлаб чиқариш бўйича "Уз-ДЭУ электроникс" республикамизда етакчи мавқени эгаллаб турибди.*

*Бу Ўзбекистон Республикаси билан Жанубий Курия давлатлари ўртасидаги маҳсулдор, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тобора мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий алоқалар натижасидир.*

*Қўшма корхонада меҳнат қилаётган байналмилал жамоанинг ютуқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Республика ҳукуматининг чуқур ўйланган ва узоқ келажакни кўзлаб олиб бораётган ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш сиёсатининг ҳаётдаги амалий тимсолидир.*

*Биз Республика ҳукуматига ва шахсан Президент жаноби олийлари Ислом Абдуганиевич Каримовга бизнинг барча ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаганликлари ва кўрсатган ёрдамлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.*

*" Уз-ДЭУ электроникс" қўшма корхонаси жамоаси ана шу юксак ишонч -эътиборни оқлаб, ҳар иккала мамлакат равнақи йўлида ишлаб чиқаришда янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун барча имкониятларни ишга солади.*

*"Уз-ДЭУ электроникс"*
*Ўзбекистон-Жанубий*
*Курия қўшма корхонаси*
*Бош директори*
**КЮНГ ЧО**

*Бош директор*
*ўринбосари*
**ФОЗИЛБЕКОВ Х. И.**

УЗ-ДЭУ ЭЛЕКТРОНИКС

